



**Ўзсаноатқурилишбанк Кенгаши йиғилишининг
8/2008 - сонли мажлис баёнидан
КЎЧИРМА**

Тошкент ш.

2009 йил 12 март

VII. Эшитилди: Ўзсаноатқурилишбанк Кредит қўмитаси ва филиаллар Кредит комиссиялари тўғрисида»ги Низомнинг янги таҳририни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзсаноатқурилишбанк Кредит қўмитасининг кредитлаш билан боғлиқ амалиётларни оператив тарзда кўриб чиқишни ташкил этиш ва Ўзсаноатқурилишбанк тизимида янги таркибий тизилмалар ташкил этилганлигини инобатга олиб,

Кенгаш қарор қилади:

1. Ўзсаноатқурилишбанк Кредит қўмитаси ва филиаллар Кредит комиссиялари тўғрисида»ги Низомнинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинади).

2. Мазкур Низом янги таркибий тузилма тасдиқланган кундан эътиборан кучга кирган деб ҳисоблансин.

Овоз берилди:

Тарафдорлар - 14 қаршилар - йўқ бетарафлар - йўқ

Кенгаш Раиси:



Н.Ханов

З. Агаф

2009й 12 июлдаги 8/2008 - сонли қарори билан

ТАСДИҚЛАНГАН

**“Ўзсаноатқурилишбанк” Кредит қўмитаси ва филиаллар
Кредит комиссиялари тўғрисида**

НИЗОМ

(Янги тахрирда)

1. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, Марказий банкнинг 2000 йил 22 февралдаги 429-сонли «Тижорат банкларнинг кредит сиёсатига бўлган талаблар тўғрисида»ги, 2000 йил 24 июндаги 472-сонли «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида»ги Низомлари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига ҳамда «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг (кейинги ўринларда «Банк») Кредит сиёсатига асосан ишлаб чиқилган.

1.2. Мазкур Низом Банк (Бош банк)нинг Кредит қўмитаси (кейинги ўринларда «Қўмита») ва Банк филиаллари Кредит комиссияларининг ҳуқуқий мақомини белгилайди ва улар фаолиятини тартибга солади.

1.3. Қўмита ва Банк филиаллари Кредит комиссиялари аъзоларининг таркиби қуйидаги тартибда тайинланади:

а) Бош Банк Бошқаруви қарори асосида Банк Кенгаши билан келишилган ҳолда;

б) Банкнинг минтақавий филиалларида филиал бошлиқлари буйруғи асосида;

в) филиалларда филиал бошлиғи/бошқарувчисининг буйруғи асосида

1.4. Банк тизимида Кредитлар ажратиш ва Кредитлашга тенглаштирилган операцияларни амалга оширишга доир ҳужжатларни кўриб чиқиш, мижозларнинг кредитга лаёқатлилиги, уларнинг молиявий ҳолатини ўрганиш амалдаги қонунчилик, Банк Кредит сиёсати ва бошқа ички меъёрий ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2. Бош банкнинг Кредит қўмитаси

2.1. Қўмита ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонуни, бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари, Банк Устави, Банк Кенгаши ҳамда Бошқарувининг қарорлари, Банк Кредит сиёсати ва ушбу Низом талаблари асосида олиб боради.

2.2. Қўмита Банк тизими бўйича бўш пул сармояларни жамлаш, уларни даромадли активларга жойлаштириш мақсадида, Банкнинг кредитлаш имконияти юзасидан мониторинг олиб боради ва Банк Кредит сиёсатини амалга оширишда асосий рол ўйнайди.

2.3. Қўмита Банк Кенгаши ва Бошқаруви аъзолари, Бош Банк мутахассисларидан таркиб топган қўшма коллегиал орган бўлиб ҳисобланади. Қўмитага раҳбарликни Қўмита Раиси амалга оширади. Қўмита Раиси фақат унинг ишини ташкил этади ва Қўмита йиғилишни бошқаради. Қўмита Раиси бўлмаган вақтларда унинг ўринбосари Қўмита ишини ташкил этиши ҳамда йиғилишни бошқариши мумкин.

2.4. Қўмитанинг асосий вазифалари

2.4.1. Қўмитанинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Банк Кредит сиёсатини амалга ошириш, Банк тизимида унинг талабларини бажарилишига доир чора-тадбирлар кўриш;

- кредитлаш ва бошқа актив операциялар - факторинг, лизинг, кафиллик ва кафолатлар бериш (кейинги ўринларда «Кредитлашга тенглаштирилган операциялар»)га доир янги банк хизмат турлари (кредит маҳсулотлари)ни ишлаб чиқиш, Кредит сиёсатини такомиллаштириш бўйича унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Банк Кенгашига таклифлар бериш;

- Банк тизимида кредитлаш ва Кредитлашга тенглаштирилган операциялар бўйича таваккалчилик (кредит хатарлари)ни самарали бошқарилишини таъминлашга, кредит хатарларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар, жумладан ички назоратга доир тартиб ва услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш;

- Актив ва пасивларни бошқариш Қўмитаси билан биргаликда банкнинг кредитлаш ва Кредитлашга тенглаштирилган операциялар бўйича фоиз сиёсатини амалга ошириш ва тартибга солиш.

2.5. Қўмитанинг функциялари

2.5.1. Қўмита ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

- бир қарз олувчига кредит бериш ва Кредитлашга

тенглаштирилган операциялар бўйича Банкнинг минтақавий филиаллари учун ўрнатилган лимит (Минтақавий филиаллар учун лимит)дан юқори бўлган кредит (лизинг ва факторинг) ажратишга доир ҳужжатларни кўриб чиқиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш;

- Банк тизимида кафиллик ва кафолатлар бериш масаласини кўриб чиқиш;

- Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси, Банкнинг молиявий ҳолати, банк хизмати бозоридаги таклиф ва талаб (конъюнктура)дан келиб чиқиб, кредит ва Кредитлашга тенглаштирилган операциялар бўйича алоҳида фоиз ставкаларини белгилаш;

- Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорига асосан давлат дастурларига киритилган объектларни қурилишига кредитлар ажратиш масаласини кўриб чиқиш;

- активларни ўстирмаслик мақомига ўтказиш ва фоизларни ўстириш мақомини тиклаш масаласини ҳал этиш;

- активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга доир монанд заҳиралар яратиш, ишончсиз активларни «Кўзда тутилмаган ҳолатлар» ҳисобрақамига ўтказиш ва бу каби активларни балансдан тўлиқ чиқариш юзасидан Банк бошқаруви ва Банк кенгашига таклифлар бериш;

- муаммоли кредитлар (Кредитлашга тенглаштирилган операциялар) ва улар бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолатини таҳлил қилиш, филиалларнинг, шунингдек Банкнинг кредитлаш ва Кредитлашга тенглаштирилган операциялар билан шугулланувчи таркибий тузилмалар (кейинги ўринларда «Кредит бўлинмалари»)нинг иш натижаларини кўриб чиқиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш;

- ажратилган кредитлар ва Кредитлашга тенглаштирилган операциялар бўйича сўнги қайтариш муддатини узайтириш масаласини кўриб чиқиш;

- кредитлаш ва Кредитлашга тенглаштирилган операцияларни амалга ошириш амалиётини такомиллаштириш бўйича, жумладан филиалларнинг кредитлашга доир ваколатларини кенгайтириш ёки чеклашга оид тавсиялар ишлаб чиқиш;

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тегишли мажбурий иқтисодий норматив миқдори доирасида Банк филиаллари учун бир қарз олувчи ва бир гуруҳ қарз олувчиларга кредит ажратиш (Кредитлашга тенглаштирилган операциялар) бўйича лимитлар ўрнатиш.

- чет эл валютасида барча турдаги кредит ажратиш ва

Кредитлашга тенглаштирилган операцияларни амалга ошириш, жумладан халқаро молия институтлари ва чет эл банклари маблағлари ҳисобидан чет эл валютасида лойиҳаларни молиялаштиришга доир кредитлар ажратиш ва Кредитлашга тенглаштирилган операцияларни амалга ошириш масаласини кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш.

Қўмита ўзига алоҳида юклатилган вазифалардан келиб чиқиб бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

2.6. Қўмитанинг таркиби

2.6.1. Қўмита аъзоллигига қуйидагилар тайинланади:

1.	Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари	Кредит қўмитаси Раиси
2.	Бошқарув Раисининг ўринбосари	Кредит қўмитаси Раисининг ўринбосари
3.	Банк Кенгашининг вакили	Қўмита аъзоси
4.	Банк Кенгашининг вакили	Қўмита аъзоси
5.	Бошқарув Расининг ўринбосари	Қўмита аъзоси
6.	Кредит операциялари департаменти директори	Қўмита аъзоси
7.	Банк инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаменти директори	Қўмита аъзоси
8.	Корпоратив кредитлаш бошқармаси бошлиғи	Қўмита аъзоси
9.	Риск-менеджмент департаменти директори	Қўмита аъзоси
10.	Юридик бошқарма бошлиғи	Қўмита аъзоси
11.	Бухгалтерия ҳисоби ва ахборот технологиялари департаменти директори	Қўмита аъзоси
12.	Ташқи иқтисодий фаолият департаменти директори	Қўмита аъзоси
13.	Активлар ва пасивлар бошқармаси бошлиғи	Қўмита аъзоси

Қўмита аъзолари ишда (Банк Кенгаши вакиллари ва Бошқарув Раиси ўринбосарлари бундан мустасно) бўлмаган вақтда (меҳнат таътили, хизмат сафари ва б.) уларнинг ўринбосарлари ёки вақтинча вазифасини бажарувчи ходимлар йиғилишда овоз бериш ҳуқуқи билан қатнашади ва баённома қарорини имзолайди.

Қўмита котиби (Қўмита йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас).

2.7. Қўмита йиғилишини ўтказиш, масалаларни кўриб чиқиш



ва қарор қабул қилиш тартиби

2.7.1. Қўмита йиғилиши зарурият туғилганда ўтказилади. Қўмита йиғилиши ушбу йиғилишга киритилган масалаларни тўлиқ кўриб чиқиши ва улар бўйича тегишли қарор қабул қилиниши таъминланадиган ораликда чақирилади. Қўмита йиғилишини чақириш тартиби ва вақти унинг Раиси томонидан белгиланади.

2.7.2. Қўмита котиби унинг йиғилишида кўриб чиқиладиган масалаларни тайёрлаш бўйича ишларни муфовиқлаштиради. Қўмита йиғилиши кун тартибини тайёрлайди. Қўмита йиғилиши куни, жойи ва вақти тўғрисида унинг аъзоларига хабар беради, Қўмита аъзоларига йиғилишдан олдин кўриб чиқиш учун киритилган масалаларга оид ҳужжатларни тақдим этади ва улар билан таништиради.

2.7.3. Қўмита йиғилишида Қўмита аъзоларининг камида 2/3 қисми қатнашаётган бўлса, Қўмита қарор қабул қилишга ваколатли бўлиб ҳисобланади.

2.7.4. Қўмита томонидан кредит бериш ва Кредитлашга тенглаштирилган операцияларни бажаришга доир ҳужжатларини кўриб чиқиш муддати Марказий банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари, Банк Кредит сиёсати ва бошқа ички меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган муддатдан ошмаслиги лозим.

2.7.5. Кредит бериш ва Кредитлашга тенглаштирилган операцияларни амалга оширишга доир масалаларни кўриб чиқиш учун Қўмита йиғилиши кун тартибига таклифлар Бош банк Кредит бўлинмалари томонидан киритилади. Банк филиаллари томонидан таклифлар Бош банкнинг Кредит бўлинмалари орқали киритилади.

2.7.6. Минтақавий филиаллар учун лимитлардан юқори бўлган кредитлар ажратиш ва/ёки Кредитлашга тенглаштирилган операцияларни амалга ошириш масаласи тегишли филиал Комиссияси томонидан кўриб чиқилиб, ижобий қарор қабул қилингандан сўнг Бош банк Кредит бўлинмалари мутахассислари томонидан ўрганилиб чиқилади, ҳамда тегишли хулоса тақдим этилиб, Қўмита йиғилиши кун тартибига киритилади ва кўриб чиқилади.

Банк филиали Комиссияси баённома қарори мазкур Низом талабларига биноан расмийлаштирилган бўлиши лозим. Бош банк Кредит бўлинмалари хулосалари ҳам ёзма равишда расмийлаштирилиб, тегишли мутахассислар томонидан имзоланиши керак. Кредит ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги, Банкнинг Кредит сиёсати ва бошқа ички меъёрий ҳужжатлари талабларига асосан шакллантирилган бўлиши зарур.

Қўмита томонидан Банк филиаллари таклифига кўра кредитлар ажратиш ва/ёки Кредитлашга тенглаштирилган операцияларни амалга ошириш масаласи кўриб чиқилиб, қарор қабул қилингандан сўнг, тегишли хужжатлар ва Қўмитанинг қарорининг тасдиқланган нусхаси ижро учун алоқа хати орқали тегишли Банк филиалига юборилади.

2.7.8. Зарур ҳолатларда Банк мижозларининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, кредит ва кредитлашга тенглаштирилган операциялар билан боғлиқ масалаларни оператив ҳал этиш мақсадида, Қўмитанинг қарори билан минтақавий филиаллар учун ўрнатилган лимитлардан юқори бўлган кредитлар ажратиш ва кредитлашга тенглаштирилган операцияларни амалга ошириш масаласини минтақавий филиал Комиссияси жавобгарлиги остида ва ваколати доирасида кўриб чиқиш учун истисно тариқасида бир марталик рухсат берилиши мумкин.

Бунда минтақавий филиалнинг кредит комиссияси лимитдан юқори бўлган кредитлар ажратиш ва кредитлашга тенглаштирилган операцияларни амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги юзасидан ижобий қарор қабул қилгандан сўнг Бош Банк Кредит қўмитасига хат билан мурожаат қилади. Қўмитанинг котиби минтақавий филиал мурожаатига мувофиқ маълумот тайёрлаб Қўмита йиғилишига тақдим этади.

2.7.9. Кредит ва Кредитлашга тенглаштирилган операцияларига оид хужжатлари амалдаги Банк қонунчилиги ва Банкни «Кредит сиёсати» талабларига жавоб бермаса, шунингдек Банкда бўш ресурслар мавжуд бўлмаган ҳолларда, мижознинг аризаси ва тегишли хужжатлар Қўмитада кўриб чиқилмасдан, Бош банкнинг тегишли Кредит бўлинмаси томонидан асосли сабаблар аниқ кўрсатилган ҳолда қайтарилади.

2.7.10. Кредитлар ажратиш ва Кредитлашга тенглаштирилган операцияларни амалга ошириш масаласи Қўмита йиғилишида кўриб чиқилишидан аввал, Қўмитанинг барча аъзолари тақдим этилган хужжатлар билан танишиб чиқишлари лозим. Қўмита аъзолари икки кун ичида ўз эътироз ва таклифларини билдиришга ҳақли.

2.7.11. Қўмита йиғилишида иштирок этаётган аъзоларнинг ярмидан кўпи овоз берган ҳолатда Қўмита қарори қабул қилинган деб ҳисобланади.

2.7.12. Қўмита йиғилиши қарори (хулосаси) баённома қарор билан расмийлаштирилади ва барча аъзолари томонидан имзоланади. Кун тартибига киритилган масала юзасидан қарши овоз берган Қўмита аъзоси ўзининг фикрини ёзма равишда асослаб бериши лозим. Қўмита аъзосининг ёзма фикри Қўмитанинг баённома қарорига илова қилинади.

2.7.13. Қўмитанинг баённома қарорида Қўмита аъзолари рўйхати, мижоз тўғрисида умумий маълумот, унинг молиявий фаолиятига доир асосий кўрсаткичлари, Банк филиали Кормиссияси ва Бош банк Кредит бўлинмалари хулосаси, кредит муддати, фоиз ставкаси, мақсади, таъминоти, шунингдек кредитлаш ва Кредитлашга тенглаштирилган операцияларни амалга оширишнинг бошқа шартлари ва Қўмитанинг тегишли хулосаси (қарори) кўрсатилиши лозим.

2.7.14. Қўмита томонидан қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлашга тегишли департамент, бошқарма ҳамда минтақавий филиал, филиал раҳбарлари масъул ва жавобгардирлар. Қўмитанинг баённома қарори унинг котиби томонидан «Қўмитанинг баённома қарорларини рўйхатга олиш» дафтариди рўйхатга олинади. «Қўмитанинг баённома қарорларини рўйхатга олиш» дафтари белгиланган тартибда тикилган, рақамланган, имзоланган ва муҳрланган бўлиши зарур.

2.7.15. Қўмита томонидан кўриб чиқилган масалалар юзасидан қабул қилинган баённома қарорлари ва кредит инспектори хулосаси асл нусхаси Кредит қўмитаси Котибида алоҳида сейфда сақланади. Кредит ва Кредитлашга тенглаштирилган операцияларга доир хужжатлар йиғмажилдлари, Қўмитанинг баённома қарорлари ва кредит инспектори хулосалари нусхаси Бош банкнинг тегишли Кредитлаш бўлинмаларида сақланади. Мазкур хужжатларни фойдаланиш зарурияти тутаганидан сўнг, ўрнатилган тартибда Банк архивига топширилади.

2.7.16. Қўмитанинг баённома қарорларида кўрсатилган маълумотлар банк сирига оид маълумотлар бўлиб ҳисобланади ва уларни ошкор қилиш тақиқланади.

3. Банк филиаллари Кредит комиссиялари

3.1. Банк тизимида кредит хатарларини самарали бошқаришни таъминлаш мақсадида, Банк минтақавий филиалларида ва қуйи туман/шаҳар филиалларида Кредит комиссиялари (кейинги ўринларда «Комиссия») ташкил этилади. Комиссия таркиби филиаллар бошлиқлари бошқарувчисининг буйруғи асосида тайинланади. Комиссияга раҳбарликни Комиссия Раиси амалга оширади. Банк филиаллари бошлиқ (бошқарувчи)лари Комиссия Раиси бўлиб ҳисобланади. Комиссия Раиси Комиссия ишини ташкил этади ва унинг йиғилишини бошқаради.

3.2. Комиссия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонуни, бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари, Банк Устави, Банк Кенгаши ҳамда Бошқаруви ва Қўмитанинг қарорлари, Банк Кредит сиёсати ва ушбу Низом талаблари асосида олиб боради.

3.3. Комиссиянинг таркиби

3.3.1. Комиссия аъзолигига қуйидагилар тайинланади:

1.	Минтақавий филиал бошлиғи ёки филиал бошқарувчиси	Кредит комиссияси Раиси
2.	Кредит ишларига масъул бошлиқ (бошқарувчи) ўринбосари	Комиссия аъзоси
3.	Ташқи иқтисодий фаолият бўлим бошиғи (минтақавий филиалларда)	Комиссия аъзоси
4.	Бош бухгалтер (минтақавий филиалларда)	Комиссия аъзоси
5.	Капитал қўйилмаларни молиялаш ва инженерлик назорати бўлим бошиғи (минтақавий филиалларда)	Комиссия аъзоси
6.	Кредитлаш бўлими бошиғи (шўъба мудир)	Комиссия аъзоси
7.	Юридик хизмат бўлим бошиғи (шўъба мудир, юрист маслахатчи)	Комиссия аъзоси

Мазкур комиссия аъзолари ишда бўлмаган вақтда (хизмат сафари, меҳнат таътили ва б.) уларнинг ўринбосарлари ёки вақтинча вазифасини бажарувчи ходимлар йиғилишда овоз бериш ҳуқуқи билан қатнашади ва баённома қарорини имзолайди.

Комиссия котиби (Комиссия йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас).

3.4. Комиссия вазифаси

3.4.1. Комиссия филиал ваколати доирасида ушбу Низомнинг 2.4.1-банди билан Қўмита зиммасига юклатилган вазифаларни бажаради. Комиссиянинг асосий вазифаси банк филиалларида кредит хатарларини самарали бошқаришни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўлиб ҳисобланади.

3.5. Комиссия функциялари

3.5.1. Комиссия ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ филиал ваколати доирасида қуйидаги функцияларни бажаради:

- Қўмита томонидан белгиланган лимит доирасида кредит (лизинг ва факторинг) ажратишга доир ҳужжатларни мустақил кўриб чиқиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш;
- Қўмита томонидан белгиланган лимитдан юқори миқдорда кредит (лизинг ва факторинг) ажратишга, шунингдек кафиллик ва кафолат хатлари беришга доир ҳужжатларни кўриб чиқиб, ижобий қарор қабул қилинганда Қўмита ва/ёки минтақавий филиал Комиссиясига розилик олиш учун мурожаат қилиш;

- кредитлаш ва Кредитлашга тенглаштирилган операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш ва берилган ваколатлар доирасида тегишли қарорлар қабул қилиш.

3.5.2. Агар туман/шаҳар филиаллари учун Кўмита томонидан ўрнатилган лимитдан юқори миқдорда кредит ажратиш ва/ёки Кредитлашга тенглаштирилган операциялар амалга ошириш масаласи, минтақавий филиаллар учун ўрнатилган лимитдан юқори бўлмаса, минтақавий филиал Комиссияси томонидан кўриб чиқилиб ҳал этилади.

Бунда ушбу масала тегишли туман/шаҳар филиаллари Комиссияси томонидан кўриб чиқилиб, ижобий қарор қабул қилингандан ва минтақавий филиал мутахассислари томонидан ўрганилиб чиқилгандан ҳамда тегишли хулоса тақдим этилгандан сўнг, минтақавий филиал Комиссияси йиғилиши кун тартибига киритилади ва кўриб чиқилади.

3.5.3. Банк минтақавий филиали Комиссияси Банкнинг қуйи туман/шаҳар филиалларининг кредитлаш билан боғлиқ иш натижаларини кўриб чиқишга ҳақли.

3.6. Комиссия йиғилишини ўтказиш, масалаларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш тартиби

3.6.1. Комиссия йиғилишини ўтказиш, масалаларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш тартибига нисбатан мазкур Низомнинг 2.7.1-2.7.4, 2.7.10-2.7.16-бандларида белгиланган қоидалар қўлланилади.

3.6.2. Комиссия йиғилишига тегишли ҳужжатлар кўриб чиқилиши учун тақдим этилишидан аввал, қарздор-ҳўжалик юритувчи субъектга хизмат кўрсатувчи филиал кредит мутахассиси «Кредит сиёсати»нинг 12-илоvasи кўрсатилган шаклда хулосани тўлдиради ва қуйидагиларни таҳлил қилади:

- а) банк филиалида кредит бериш учун ресурс манбалари мавжудлигини;
- б) кредит ҳужжатлар йиғмажилдининг мавжудлиги, қонунга мувофиқ, сифатли ва тўғри шакллантирилганлигини;
- в) қарз олувчи ҳисобварағига пул маблағларининг келиб тушиш даврийлиги ва тўлиқлигини;
- г) қарз олувчининг рейтинг баҳосини;
- е) кредит таъминотига мол-мулк тақдим қилинса, унинг сифати ва ликвидлигини, кимга тегишлилигини, агарда кафиллик тақдим қилинса, унинг тўловга лаёқатлилиги ва кафиллик беришга бўлган

ваколатини;

ж) қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиги ва таъминот ҳолати тўғрисида хулосасининг мавжудлигини;

з) кредит ёки кафолат беришнинг шартлари ва мақсадга мувофиқлигини;

и) кредит суммаси, қиймати, қайтарилиш муддатини;

к) бир қарз олувчига тўғри келувчи ва дахлдор шахсларга берилувчи кредит суммасининг ўрнатилган меъёрларга мослигини;

л) банк томонидан талаб қилинадиган бошқа керакли ҳужжатларни.

3.6.3. Банкнинг қуйи туман/шаҳар филиаллари Комиссияси филиал учун белгиланган лимит суммасидан юқори булган суммада кредит ажратиш (факторинг, лизинг) тўғрисида ижобий қарор қабул қилганда, кредит ҳужжатлари ўрнатилган тартибда расмийлаштирилиб, белгиланган муддатларда Банкнинг минтақавий филиал Комиссиясига кўриб чиқиш учун тақдим қилинади.

Кафолат ва кафиллик суммасидан қатъий назар уларни бериш тўғрисидаги ижобий қарор тегишли ҳужжатлар билан минтақавий филиал Комиссиясига тақдим қилинади.

Минтақавий филиал Комиссиясига тақдим қилинаётган қарз олувчи тўғрисидаги маълумотларнинг тўғрилигига Банкнинг қуйи туман/шаҳар филиаллари жавобгар ҳисобланади.

Тақдим этилган маълумотларнинг ҳаққонийлигига шубҳа туғилган тақдирда, минтақавий филиал Комиссияси кредит ҳужжатларидаги маълумотларнинг тўғрилигини жойнинг ўзида текшириш ҳуқуқига эга.

3.6.4. Минтақавий филиал Комиссияси томонидан кредит ажратиш ва/ёки Кредитга тенглаштирилган операцияларни амалга ошириш рад қилинган тақдирда, шу куннинг ўзида асослар кўрсатилган ҳолдаги хат Банк қуйи филиалига юборилади.

3.6.5. Кредит ажратиш ва/ёки Кредитга тенглаштирилган операцияларни амалга оширишга рухсат этилган тақдирда, сумма кўрсатилган ҳолда банк қуйи филиалига хабар берилади. Агар кредит суммаси минтақавий филиал учун ўрнатилган лимитдан юқори бўлса, тегишли ҳужжатлар Қўмиитага кўриб чиқишга белгиланган тартибда тақдим қилинади.

3.6.6. Қўмиитага тақдим қилинган ҳужжатлар ва маълумотларнинг тўғрилигига минтақавий филиал жавобгар ҳисобланади.

3.6.7. "Ўзсаноатқурилишбанк" қошидаги Амалиёт бошқармаси Комиссияси минтақавий филиал Комиссияси мақомига тенглаштирилади.

Шу муносабат билан, Банк Кенгашининг 2006 йил 31 майдаги 61-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзсаноатқурилишбанк» Кредит хатарларини бошқариш қўмитаси ва филиаллар Кредит хатарларини бошқариш комиссиялари тўғрисида»ги Низом ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

Киритди:


Кредит операциялари
департаменти директори



Қ.Обидов

Келишилди:

Бошқарув Раисининг
биринчи ўринбосари




Ж.Обиджонов

Бошқарув Раисининг
ўринбосари




Ш.Якубов

Бошқарув Раисининг
ўринбосари




М.Мирзабаев

Бухгалтерия ҳисоби ва
ахборот технологиялар
департаменти директори



С.Ходжаев

Юридик бошқарма бошлиғи



Б.Усмонов

Банк Кенгашининг 2009 йил «30» март даги
1/2009-сонли баённомаси қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

«Ўзсаноатқурилишбанк» Кенгашининг 2009 йил 12 мартдаги
8/2008-сонли қарори билан тасдиқланган янги таҳрирдаги
«Ўзсаноатқурилишбанк Кредит қўмитаси ва филиаллар Кредит
комиссиялари тўғрисида»ги Низомга ўзгартиришлар

1. «Ўзсаноатқурилишбанк Кредит қўмитаси ва филиаллар Кредит
комиссиялари тўғрисида»ги Низомнинг 2.6.1- банди қуйидаги таҳрирда
баён этилсин:

«2.6.1. Қўмита аъзоллигига овоз бериш ҳуқуқи билан қуйидагилар
тайинланади:

Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари	Кредит қўмитаси Раиси
Бошқарув Раисининг ўринбосари	Кредит қўмитаси Раисининг ўринбосари
Бошқарув Раисининг ўринбосари	Қўмита аъзоси
Кредит операциялари департаменти директори	Қўмита аъзоси
Банк инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаменти директори	Қўмита аъзоси
Корпоратив кредитлаш бошқармаси бошлиғи	Қўмита аъзоси
Риск менежмент департаменти директори	Қўмита аъзоси
Юридик бошқарма бошлиғи	Қўмита аъзоси
Бухгалтерия ҳисоби ва ахборот технологиялари департаменти директори	Қўмита аъзоси
Ташқи иқтисодий фаолият департаменти директори	Қўмита аъзоси
Актив ва пасивлар бошқармаси бошлиғи	Қўмита аъзоси

Қўмита аъзолари ишда (Бошқарув Раиси ўринбосарлари бундан мустасно) бўлмаган вақтда (меҳнат таътили, хизмат сафари ва б.) уларнинг ўринбосарлари ёки вақтинча вазифасини бажарувчи ходимлар Қўмита йиғилишида овоз бериш ҳуқуқи билан қатнашади ва унинг баённома қарорини имзолайди.

Қўмита котиби (Қўмита йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас).

«2. «Ўзсаноатқурилишбанк Кредит қўмитаси ва филиаллар Кредит комиссиялари тўғрисида»ги Низомнинг 3.3.1- банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3.3.1. Комиссия аъзоллигига қуйидагилар тайинланади:

1.	Минтақавий филиал бошлиғи ёки филиал бошқарувчиси	Кредит комиссияси Раиси
2.	Кредит ишларига масъул бошлиқ (бошқарувчи) ўринбосари	Комиссия аъзоси
3.	Ташқи иқтисодий фаолият бўлим бошлиғи (минтақавий филиалларда)	Комиссия аъзоси
4.	Бош бухгалтер	Комиссия аъзоси
5.	Капитал қўйилмаларни молиялаш ва инженерлик назорати бўлим бошлиғи (минтақавий филиалларда)	Комиссия аъзоси
6.	Кредитлаш бўлими бошлиғи (шўъба мудири)	Комиссия аъзоси
7.	Юридик хизмат бўлим бошлиғи (шўъба мудири, юрист маслаҳатчи)	Комиссия аъзоси

Мазкур комиссия аъзолари ишда бўлмаган вақтда (хизмат сафари, меҳнат таштили ва б.) уларнинг ўринбосарлари ёки вақтинча вазифасини бажарувчи ходимлар Комиссия йиғилишида овоз бериш ҳуқуқи билан қатнашади ва унинг баённома қарорини имзолайди.

Комиссия котиби (Комиссия йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас).

Киришди:

Кредит операциялари
департаменти директори в.в.б



Қ.Обидов

Келишилди:

Бошқарув Раисининг
биринчи ўринбосари




Ж.Обиджонов

Бошқарув Раисининг
ўринбосари



Ш.Якубов

Бошқарув Раисининг
ўринбосари




М.Мирзабаев

Бухгалтерия ҳисоби ва ахборот
технологиялари департаменти
директори

С.Ходжаев

Юридик бошқарма бошлиғи



Б.Усмонов



**Ўзсаноатқурилишбанк Кенгаши йиғилишининг
7/2009 - сонли мажлис баёнидан
КЎЧИРМА**

Тошкент ш.
Шахрисабз кўчаси, 3

2009 йил 20 ноябрь
соат 15-00

Х. Эшитилди: Ўзсаноатқурилишбанк Кенгашининг 2009 йил 12 мартдаги 8/2008-сонли баённомаси билан тасдиқланган янги таҳрирдаги «Ўзсаноатқурилишбанк Кредит қўмитаси ва филиаллар Кредит комиссиялари тўғрисида»ги Низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзсаноатқурилишбанк Кредит қўмитасининг кредитлаш билан боғлиқ амалиётларни оператив тарзда кўриб чиқишни ташкил этиш ва Ўзсаноатқурилишбанк Кенгаши аъзолари таркибида ўзгартиришларни инобатга олиб,

Кенгаш қарор қилади:

«Ўзсаноатқурилишбанк Кредит қўмитаси ва филиаллар Кредит комиссиялари тўғрисида»ги Низомга иловага мувофиқ киритилаётган ўзгартиришлар тасдиқлансин (илова қилинади).

Овоз берилди:

Тарафдорлар - 9 қаршилар - йўқ бетарафлар - йўқ

Банк Кенгаши
Раиси:



Н.Ханов

Банк Кенгашининг 2009 йил 20 11 даги
7/2009-сонли баённомаси қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**«Ўзсаноатқурилишбанк» Кенгашининг 2009 йил 12 мартдаги
8/2008-сонли қарори билан тасдиқланган янги тахрирдаги
«Ўзсаноатқурилишбанк Кредит қўмитаси ва филиаллар Кредит
комиссиялари тўғрисида»ги Низомга ўзгартиришлар**

1. «Ўзсаноатқурилишбанк Кредит қўмитаси ва филиаллар Кредит комиссиялари тўғрисида»ги Низомнинг 2.6.1- банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2.6.1. Қўмита аъзоллигига овоз бериш ҳуқуқи билан қуйидагилар тайинланади:

Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари	Кредит қўмитаси Раиси
Бошқарув Раисининг ўринбосари	Кредит қўмитаси Раисининг ўринбосари
Бошқарув Раисининг ўринбосари	Қўмита аъзоси
Кредит операциялари департаменти директори	Қўмита аъзоси
Банк инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаменти директори	Қўмита аъзоси
Корпоратив кредитлаш бошқармаси бошлиғи	Қўмита аъзоси
Риск менежмент департаменти директори	Қўмита аъзоси
Юридик бошқарма бошлиғи	Қўмита аъзоси
Бухгалтерия ҳисоби ва ахборот технологиялари департаменти директори	Қўмита аъзоси
Ташқи иқтисодий фаолият департаменти директори	Қўмита аъзоси
Молиявий менежмент департаменти директори	Қўмита аъзоси

Қўмита аъзолари ишда (Бошқарув Раиси ўринбосарлари бундан мустасно) бўлмаган вақтда (меҳнат таътили, хизмат сафари ва б.) уларнинг ўринбосарлари ёки вақтинча вазифасини бажарувчи ходимлар Қўмита йиғилишида овоз бериш ҳуқуқи билан қатнашади ва унинг баённома қарорини имзолайди.

Қўмита котиби (Қўмита йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас).



**Ўзсаноатқурилишбанк Кенгаши йиғилишининг
7/2010 - сонли мажлис баёнидан
КЎЧИРМА**

Тошкент ш.

2010 йил 19 август
15-00

V. Эшитилди: «Ўзсаноатқурилишбанк Кредит қўмитаси ва филиаллар Кредит комиссиялари тўғрисида»ги Низомга ўзгартириш киритиш ҳақида

«Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Кенгашининг 2010 йил 20 июлдаги 5/2010-сонли баённома қарорига биноан Бош Банкнинг янги ташкилий тузилмаси тасдиқланганлиги муносабати билан,

Кенгаш қарор қилади:

1. «Ўзсаноатқурилишбанк Кредит қўмитаси ва филиаллар Кредит комиссиялари тўғрисида»ги Низомга иловага мувофиқ киритилган ўзгартиришлар тасдиқлансин.
2. Мазкур Низомга киритилган ўзгартиришлар Бош Банкнинг янги таркибий тузилмаси тасдиқланган кундан эътиборан кучга кирган деб ҳисоблансин.

Овоз берилди:

Тарафдорлар - 8 қаршилар - йўқ бетарафлар - йўқ

Кенгаш Раиси:



Б.Ходжаев

Банк Кенгашининг 2010 йил «19» август даги
7/2010-сонли баённомаси қарори билан
«ТАСДИҚЛАНГАН»

«Ўзсаноатқурилишбанк» Кенгашининг 2009 йил 12 мартдаги
8/2008-сонли қарори билан тасдиқланган янги таҳрирдаги
«Ўзсаноатқурилишбанк Кредит қўмитаси ва филиаллар Кредит
Комиссиялари тўғрисидаги»ги Низомга ўзгартиришлар

1. «Ўзсаноатқурилишбанк Кредит қўмитаси ва филиаллар Кредит
комиссиялари тўғрисида»ги Низомнинг 2.6.1- банди қуйидаги таҳрирда баён
этилсин:

2.6.1. Қўмита аъзолигига овоз бериш ҳуқуқи билан қуйидагилар тайинланади:

Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари	Кредит қўмитаси Раиси
Бошқарув Раисининг ўринбосари	Кредит қўмитаси Раисининг ўринбосари
Бошқарув Раисининг ўринбосари	Қўмита аъзоси
Кредит операциялари департаменти директори	Қўмита аъзоси
Банк инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаменти директори	Қўмита аъзоси
Корпоратив кредитлаш бошқармаси бошлиғи	Қўмита аъзоси
Риск-менеджмент ва кредит портфелини мониторинг қилиш бошқармаси бошлиғи	Қўмита аъзоси
Юридик бошқарма бошлиғи	Қўмита аъзоси
Бухгалтерия ҳисоби ва ахборот технологиялари департаменти директори	Қўмита аъзоси
Ташқи иқтисодий фаолият департаменти директори	Қўмита аъзоси
Ҳазначилик бошқармаси бошлиғи	Қўмита аъзоси

Қўмита аъзолари ишда (Бошқарув Раиси ўринбосарлари бундан мустасно)
бўлмаган вақтда (меҳнат таътили, хизмат сафари ва бошқа ҳолларда) уларнинг
ўринбосарлари ёки вақтинча вазифасини бажарувчи ходимлар Қўмита йиғилишида
овоз бериш ҳуқуқи билан қатнашади ва унинг баённома қарорини имзолайди.
Қўмита котиби (Қўмита йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас).